

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.4: 339.562

Садриддинова Нигора Хусниддин қизи

**ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – “Менежмент”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: и.ф.н, доцент, Умарходжаева Муяссархон Ғаниевна

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I боб. ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ.....	12
1.1-§. Тўқимачилик кластерларини бошқаришнинг илмий ва назарий асослари.....	12
1.2-§. Тўқимачилик кластерларининг экспорт салоҳиятини бошқариш бўйича ёндашув ва усулларнинг хусусиятлари.....	23
1.3-§. Тўқимачилик кластерларининг стратегик рақобатли устунликларини бошқариш ва баҳолаш бўйича хорижий моделлар.....	31
I боб бўйича хулоса.....	46
II боб. ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	48
2.1-§. Тўқимачилик кластерлари экспорт салоҳиятини бошқариш бўйича амалдаги механизмларнинг хусусиятлари.....	48
2.2-§. Ўзбекистон иқтисодиётининг тўқимачилик секторида қўшилган қиймат занжирининг таҳлили.....	61
2.3-§. Тўқимачилик кластерларида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш.....	71
II боб бўйича хулоса.....	97
III боб. ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ.....	101
3.1-§. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда институционал асосларни такомиллаштириш.....	101
3.2-§. Тўқимачилик кластерларининг экспорт салоҳиятини оптималлаштириш йўналишларини аниқлаш ва прогнозлаш.....	108
3.3-§. Мамлакатимизда тўқимачилик кластерлари экспорт салоҳиятини ошириш истиқболлари.....	117
III боб бўйича хулоса.....	132
ХУЛОСА.....	134
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	137
ИЛОВАЛАР.....	150

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳон амалиётида тўқимачилик кластерларининг экспорт салоҳиятини бошқариш усул ва механизмлари кенг қўлланилади. Жаҳон амалиёти сўнгги йигирма йил давомида ташкилотларнинг кластерли уюшмаларини яратиш жараёнлари фаоллашганидан далолат беради. Ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг 50 %дан ортиғи кластерлар ичида ишлайди ва уларда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг улуши 60 %дан ортади. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, айнан миллий иқтисодиёт, шунингдек, минтақавий иқтисодий тизимларни тузишда кластерли ёндашув ишлаб чиқариш самарадорлигини, рақобатбардошлигини ва аҳолининг фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу эса танланган тадқиқот мавзусининг аҳамиятини тасдиқлайди¹.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари томонидан тўқимачилик кластерлари тизимларининг иқтисодий фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни такомиллаштиришни таклиф қилинади. Тўқимачилик кластерларининг экспорт салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий йўналишлари, “ҳаражатларни бошқариш” парадигмасидан “натижаларни бошқариш” парадигмасига ўтиш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва кенг прогнозлаш усулларида фойдаланиш, тўқимачилик кластерларини бошқариш самарадорлигини ошириш, тўқимачилик саноатида яхлит ахборот муҳитини яратиш учун рақамли технологияларни жорий этишдан иборат.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг замонавий кластер тизимида бир қатор жиддий муаммолар мавжуд. Улардан бири давлат томонидан ҳаддан ташқари тартибга солиш билан тавсифланади, бу эса асосий йирик ишлаб чиқарувчиларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ўта заиф ҳимояланишига, тўқимачилик

¹ Мантаева Э.И., Голденева В.С. К вопросу о роли промышленного кластера в развитии региональной экономики // Вестник ВолГУ. Серия 3: Экономика. Экология. 2017. №1 (38). С. 46. URL: <https://cyberleninka.ru/>

маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш ресурслари ва хизматларининг кўп турлари ривожланмаганлигига олиб келади. Муаммоларнинг яна бир гуруҳи, давлат буюртмаларини шакллантиришнинг жорий механизмлари ва нарх тизими тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпчилик товар ишлаб чиқарувчилар учун зарар келтириши билан боғлиқ.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳада мутлақо янги ёндашув қўлланилиб, режалаштирилган ислохотлар натижадорлигини тараққиётнинг мақсадларига эришганлик даражаси асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”да мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида қарийб 100 та мақсадга эришиш назарда тутилган². Шу ўринда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш ва импорт ўрнини босиш сиёсати, биринчи навбатда, истеъмол товарларини тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодий тармоқлар ва ҳудудларнинг, шу жумладан тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, сафарбар этиш ва оширишдан иборат.

Ҳозирги босқичда мамлакат ҳукуматининг миллий иқтисодиётдаги асосий вазифаларидан бири “қулай ишбилармонлик муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, экспортни рағбатлантириш, рақобатбардош юқори қўшилган қийматга эга товарларни ишлаб чиқаришдир. Буларнинг барчаси тўқимачилик бизнесининг экспорт салоҳиятини оширишнинг янада ислохотлари ва оптимал йўллари излаш зарурлигини тасдиқлайди ва диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва аҳамиятини белгилайди.

² Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” . <https://review.uz/oz/post/20222026-yillarga-moljallangan-taraqqiyot-strategiyasining-yangi-loyihasi-muhokamaga-qoyildi>